

## VIII.ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ташқи савдо айланмаси 3 458,5 млн. АҚШ долларини ўсиш суръати 134,5 %, жумладан 1 362,4 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 154,7 %, 2 096,1 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,0 % ташкил этди.

### **2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн АҚШ доллари)**


	январь-сентябрь		2018 йил январь- сентябрга нисбатан % хисобида
	2018 й.	2019 й.	
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>2 570,7</b>	<b>3 458,5</b>	<b>134,5</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	1026,1	1 512,4	147,4
бошқа давлатлар	1544,6	1 946,1	126,0
<b>Экспорт</b>			
	<b>880,9</b>	<b>1 362,4</b>	<b>154,7</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	244,8	452,4	184,8
бошқа давлатлар	636,1	910,0	143,1
<b>Импорт</b>			
	<b>1 689,8</b>	<b>2 096,1</b>	<b>124,0</b>
<i>ишу жумладан:</i>			
МДХ давлатлари	781,3	1 060,0	135,7
бошқа давлатлар	908,5	1036,1	114,0

**Вилоят ташқи савдо айланмасида МДҲ  
ва бошқа давлатларнинг улуши, %да**

**2018 йил январь-сентябрь**



**2019 йил январь-сентябрь**



**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби**


	<b>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидағи улуши, % ҳисобида</b>		<b>Ҳажмидағи ўзгариши, % ҳисобида</b>
	<b>2018 йил январь-сентябрь</b>	<b>2019 йил январь-сентябрь</b>	
<b>Экспорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>154,7</b>
пахта толаси	4,1	8,1	3м
озиқ-овқат маҳсулотлари	10,3	9,5	141,8
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	3,1	1,8	88,7
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,0	0,0	0,0
қора ва рангли металлар	63,7	60,6	147,1
машина ва ускуналар	1,7	2,6	2,3м
хизматлар	1,0	0,8	117,0
бошқалар	16,0	16,8	162,0
<b>Импорт таркиби</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>145,5</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	6,5	15,7	3м
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	6,7	7,8	144,1
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	1,2	1,0	106,9
қора ва рангли металлар	22,1	14,9	83,6
машина ва ускуналар	43,3	33,7	96,6
хизматлар	6,3	1,3	25,9
бошқалар	13,9	25,5	2,3м

Экспорт таркибида товарлар 99,2 % улушига эга бўлиб, булар асосан қора ва рангли металлар (60,6 %), бошқа турдаги товарлар (16,8 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (9,5 %), пахта толаси (8,1 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (1,8 %), машина ва ускуналар (2,6 %), шунингдек, хизматлар (0,8 %) гурухлари хиссасига тўғри келмоқда.

### Товар ва хизматлар экспорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

**2018 йил**  
январь-сентябрь


**2019 йил**  
январь-сентябрь




Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (33,7%), озиқ-овқат маҳсулотлари (15,7 %), қора ва рангли металлар (14,9 %), ҳамда бошқа маҳсулотлар (25,5 %) гурухлари ҳисобига тўғри келди.

## Товар ва хизматлар импорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

**2018 йил  
январь-сентябрь**



**2019 йил  
январь-сентябрь**



**Озик-овқат маҳсулотлари**  
**Кимё маҳсулотлари ва буюмлари**  
**Энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари**  
**Кора ва рангли металлар**

**Машина ва асбоб-ускуналар**  
**Хизматлар**  
**Бошқалар**

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида**


**катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуси, % ҳисобида</i>	<i>2018 йил январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида</i>
Қозғистон	20,0	41,1
Россия	17,2	92,9
Туркия	17,0	102,3
Хитой	16,0	69,7
Корея Республикаси	4,0	73,3
Германия	2,5	39,2
БАА	2,0	10,0
Тожикистон	2,0	93,5
Афғонистон	1,5	190,7
Беларусия	1,4	114,2
Қирғизистон	1,3	46,9
Украина	1,3	92,9
Литва	1,3	59,9
Италия	1,2	30,5
Бразилия	1,1	0,4
Мексика	1,0	0,3
Швейцария	0,9	18,2
Буюк Британия Қироллиги	0,8	15,4
Эрон Ислом Республикаси	0,8	118,1
Латвия	0,6	82,8
Нидерландия	0,5	173,0
Австрия	0,5	41,3
Малайзия	0,5	18,0
Ҳиндистон	0,5	45,1
Сингапур	0,4	2,4м
Полша	0,4	3,2м
Грузия	0,4	59,0


Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Қозогистон, Россия, Туркия ва Хитой Халқ Республикаси ҳиссасига түғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 70,3 % ини ташкил қилади. Қозогистон, Россия, Туркия ва Хитой Халқ Республикасига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гурӯхларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

### **2019 йил январь-сентябрь ойларида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %да**

#### **Экспорт**




#### **Импорт**



Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2019 йил январь-сентябрь ойларида ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 43,7 % ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47,4 % га ошди.


Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 56,3 % ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 60,1 % га teng еди.

**Тошкент вилоятининг кичик бизнес корхоналарининг  
ташқи савдо айланмаси  
(млн. АҚШ доллари)**



Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификатсия қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.

**Хорижий капитал иштирокидаги рўйҳатдан ўтган корхоналарнинг  
худудлар бўйича тақсимланиши**  
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)



Хорижий капитал иштирокидаги рўйҳатдан ўтган корхоналар 2019 йил 1 октябрь ҳолатига таҳлил қилинганда вилоятда жами 1186 та корхона рўйҳатдан ўтган бўлиб, шундан Зангиота (160 та), Қиброй (120 та) туманларида, Ангрен шаҳрида (98 та), Юқоричирчиқ (93 та) туманида, Чирчик шаҳрида (81 та), Тошкент (74 та), Ўртачирчиқ (71 та), Янгийўл (71 та), Оҳангарон туманларида (63 та), Янгийўл шаҳрида (62 та), Бўстонлик туманида (46 та), Нурафшон (43 та), Оҳангарон (38 та), Олмалиқ шаҳарларида (35 та), Қуийчирчиқ (30 та), Паркент (22 та), Чиноз туманларида (21 та), Бекобод шаҳрида (18 та), Пискент (15 та), Оққўргон (10 та), Бекобод (8 та) ва Бўка туманларида (7 та) хорижий капитал иштирокидаги корхоналар рўйҳатга олинган.

## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти


2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида жами 109,2 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 98,5 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 79,9%га ошган). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибиغا қаралса,

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида 60,0 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 39,7 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34,1 минг тоннага кўп микдорда экспорт қилинган.

Шунингдек, 25,0 минг тонна мева ва резаворлар 33,8 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 минг тоннага камроқdir.

## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

(январь-сентябрь 2019 й.)



МЕВА ВА РЕЗАВОРЛАР	УЗУМ	ҚОВУН ВА ТАРВУЗ	ЕР ЅИФОҚ	САБЗАВОТЛАР
25,0 минг.т 33,8 млн.АҚШ. доллари	18,0 минг.т 21,8 млн. АҚШ. доллари	5,0 минг.т 1,8 млн. АҚШ. доллари	1,0 минг.т 1,4 млн. АҚШ. доллари	60,0 минг.т 39,7 млн. АҚШ. доллари

Шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва мевалар экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 73,4 млн.АҚШ долларига етди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 67,9 %га ошган).